*Касаба уюшмалари бугун*

# ТОВОН ПУЛИ

## суд орқали ундирилди

**Қўрғонтепа агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси кейинги йилларда тармоқдаги ёлланма меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишига катта эътибор қаратмоқда. Хавфсиз иш шароитини таъминлаш, ойлик маошларининг қўлга тегиши, соғломлаштириш тадбирлари, дам олишни мазмунли уюштириш, меҳнатни рағбатлантириш ўз вақтида амалга оширияпти.**

«Бандлик» бўйича давлат дастурининг ижроси, янги иш ўринлари яратишда тармоқ қўмитасининг ижтимоий шерикчилиги катта аҳамият касб этди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ЎзКУФК III қурултойида тасдиқланган ҳаракат дастурида белгилангандек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаларининг ўз ўрни бор. Хусусий тадбиркорликка кенг йўл очишдан мақсад эса аҳолининг ишсиз қатламларини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш орқали, уларни ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашдир.

Ўтган беш йил мобайнида янгитдан 357 та катта ва кичик корхоналар барпо этилди. Натижада 2000 нафар қишлоқ ёшлари муқим иш ўрнига эга бўлди. Кичик корхоналарга кредит қўйилмалари ажратилишида банк муассасалари билан ҳамкорлик қилиш баробарида, хусусий секторда ёлланиб ишлаётганларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда касабақўм сезиларли кўмаклашди. Натижада бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 76,5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

2000 йили тармоқда 39 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти, унга жамланган 22 мингдан зиёд касабачилар ишлаган бўлса, ўтган йилда уларнинг сони 25 минг нафарга кўпайди. 9 та бошланғич, 51 та цех 112 та касаба уюшма гуруҳи ёш, серғайрат, ўз касбининг билимдони бўлган, меҳнат қонунчилигидан хабардор фидоий фаоллар ҳисобига янгиланди.

Касаба уюшма аралашуви билан касб касаллигига чалинган 9 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланиб, 1 миллион сўмга яқин товон пуллари ундириб берилди.

Масалан, «Деҳқончек» ширкат хўжалиги ишчиси К.Турдиевнинг ҳақ-ҳуқуқлари иш берувчининг сансалорлиги туфайли қўпол равишда бузилди. Ишчи бой берилган моддий ва маънавий зарарни қопланиши ҳақида маъмуриятни огоҳлантирди. Аммо раҳбарият Меҳнат Кодекси талабларини бажаришдан бош тортди. Ана шундан кейин касабақўм принципиал йўл тутди. Муаммо фуқаролик суди орқали ечимини топиши иш берувчига тушунтирилди. Шундан сўнггина 258 минг 725 сўм товон пули К.Турдиев фойдасига ундирилади.

Аъзолик бадаллари тушумлари, иш ҳақидан қарздорликни камайтириш бўйича касаба уюшмалари суд, прокуратура, адлия идоралари билан самарали ҳамкорлик қилди. Пленум ва раёсат мажлисларида ушбу масала 20 марта таҳлил қилинди. Йиғинларда «Норбўта» ширкат хўжалиги, туман машина-трактор парки, 2-қурилиш ва таъмирлаш участкаси мутасаддиларининг ҳисоботлари эшитилиб, қарздорликка барҳам бериш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди. Айибдорларга огоҳлантириш хатлари юборилди. Вилоят хўжалик судига ходимлар манфаатлари кўзланиб, даъво аризалари киритилди.

Меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси асосида тартибга солишда тармоқ қўмитасининг саъй-ҳаракатини тан олмоқ керак. «Дўстлик», «Дардоқ», «Истиқбол» ширкат хўжаликларида ўтказилган семинарларда ижтимоий ҳимоянинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ишчи-хизматчилар учун қулай меҳнат ва маиший шароит яратиш, тунги сменада ишловчиларни рағбатлантириш жамоа шартномаларида кафолатланиш тартиблари муҳокама қилинди ва йўриқномалар берилди. Тармоқ ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилишда мазкур тадбирлар ижобий таъсир ўтказди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига ижтимоий ҳимояга сарфланган пул маблағлари ҳажми 22 минг сўмдан 52 минг сўмга ортди.

«Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурига кўра, кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар, етим-есирларни ҳимояга олиш билан боғлиқ тадбирларига жамоа шартномалари ва тармоқ битишувларида катта ўрин берилган. 7 миллион 557 минг сўм маблағ ана шу юмушларга харажат қилинди. Касаба уюшмалари ҳисобидан 350 нафар қария нафақага кузатилиб, эҳтиёжманд оилаларнинг 12 нафар фарзанди учун хатна ва никоҳ тўйлари ўтказилди.

Шунга қарамасдан баъзи ҳолларда жамоа шартномаларини юритишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Масалан, бу муҳим меъёрий ҳужжат «Қаҳрамон», «Бирлашган» ширкат хўжаликлари, Сув қурилиш жиҳозлари корхонаси Авазматов номли паррандачилик фабрикасида қоғозда бору, амалда йўқ. Иш берувчи ҳамда касаба уюшмаларининг аҳволга томошабинлик қилаётганлиги таажжубланарлидир.

Ўтган даврда ишлаб чиқаришда 7 та бахтсиз ҳодиса содир этилганлиги, шундан 2 таси ўлим билан тугаганлиги билан сира муроса қилиб бўлмайди. «Дардоқ» ширкат хўжалиги электр созловчиси Неъматжон Рўзиматов симёғочга чиқиб линияни кўрикдан ўтказаётганда, электр токи уриши натижасида ҳалок бўлди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тракторчиси эҳтиётсизлиги туфайли тиркама остида қолиб, ҳаётдан кўз юмди. Бу иш берувчилар, касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат муҳофазасига панжа орасидан қараб, хавфсиз иш ва қулай маиший шароит яратишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигини кўрсатмайдими? Бундай ўзибўларчилик ишлаб чиқаришга панд беради, энг ёмони, касаба уюшмаларининг обрўсига путур етказади.

Маълумки, ижтимоий суғурта ҳамда аъзолик бадаллари аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш тадбирларига сарфланади. Бироқ тармоқ қўмитаси касаба уюшма маблағларидан мақсадли фойдаланмаётир. Жорий йилнинг ярим йилида аъзолик бадаллари тушуми 4 миллион 386,1 минг сўмга, режа аранг 30 фоизга етган. Ижтимоий суғурта бадаллари тўловлари 2003 йилда 1 миллион 471,8 минг сўмга адо этилиб, 48 фоизда қолиб кетган.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИШЧИЛАР ОШХОНАСИ

## бепул хизмат кўрсатяпти

*Ибрат*

«Фарғонадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида кейинги вақтда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда корхонада 560 нафар киши меҳнат қиляпти. Уларни рағбатлантириб бориш, кўнгилдагидек. Иш ҳамда дам олиш шароитларини яратиб бериш маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат-марказида. Шу боисдан ҳам йил сайин кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда. Масалан, 2004 йилнинг 9 ойи давомида жамоа 171 миллион сўм соф фойдани қўлга киритди.

Дарҳақиқат, ташаббус, изланиш ишлаб чиқаришдаги асосий муваффақиятни белгилайди. Мазкур корхонада яқинда жаҳон андозаларига мос ун тегирмони ишга туширилди. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифати янада ошди.

Ўтган йили корхона ишчи-хизматчиларидан 6 нафарига республикамизнинг марказий сиҳатгоҳларига йўлланма берилди. Шу билан бирга вилоятдаги «Меҳрибонлик уй»лари, ногиронлар ҳамда кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, янги ун тегирмонини ишга туширишда фаол қатнашган ишчилар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Корхонада узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, айни вақтда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб келиняпти. Улар турли байрамлар ва тадбирларга таклиф қилиниб, эсдалик совғалари тақдим этилмоқда. Шу билан бирга корхонадаги 125 ўринли ошхона ишчиларга бепул хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, тиббиёт бўлими, «Маънавият ва маърифат» хонаси ишчи-хизматчилар ихтиёрида.

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Гулистон шаҳрининг «Усмонобод» гузарида ошпазлар, қандолатчилар ва официантларнинг вилоят танлови бўлиб ўтди.

Танловда «Сирдарёматлуботсавдо» ҳамда «Сирдарёсавдо» акциядорлик компанияларининг шаҳар ва туман бўлинмаларидан тўртта жамоа қатнашди. Ҳар бир жамоада ўнтадан аъзо бўлиб, шундан тўрт нафари ошпаз ва официант, икки нафари қандолатчидир.

Танлов натижасига кўра биринчи ўрин «Сирдарёматлуботсавдо» компаниясининг «Сирдарё» жамоасига насиб этди. «Энг яхши ошпаз» номинацияси бўйича Лариса Цой, «Энг яхши қандолатчи» номинацияси бўйича Албина Бекташева ғолиб деб топилди. Адолат Алимбоева эса танловнинг «Энг ёш иштирокчиси» номинациясига муносиб кўрилди.

**Суратда: ошпазлар, қандолатчилар ва официантларнинг вилоят танловидан лавҳа.**

**Муҳаммад КАРИМ (ЎзА) олган сурат**

# «ЙЎЛЧИ»НИНГ ЮТУҚЛАРИ

**Яккабоғ туманидаги «Йўлчи» масъулияти чекланган жамият бундан 3-4 йил олдин қолоқ корхона сифатида тилга олинарди. 2003 йил январ ойида бу ерда мулк шакли ўзгартирилди: корхона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Натижада у амалга ошираётган сифатли ишлари билан туманда, қолаверса вилоятда пешқадам жамоалардан бирига айланди.**

Жамоа сўнгги икки йил давомида биринчи тоифали равон йўллар қуриш бўйича катта ютуқларни қўлга киритди. Биргина 2003 йил давомида қарийб 223 миллион сўмлик иш бажарилиб, режа 130 фоизга адо этилди. Масалан, Қарши-Самарқанд йўналишдаги 75 километрлик йўлни қайта қуриб, биринчи тоифага айлантириш учун 96 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шунингдек, йўлсозлар Деҳқонобод тумани ҳудудидан ўтувчи Тошкент-Термиз йўналишидаги йўлда 50 миллион сўмлик иш бажаришди.

50 кишилик кичик жамоа эришаётган катта ютуқларнинг асосий омили йўлсозларга қулай иш шароитларининг яратилаётганлиги ҳамда меҳнат манфаатдорлигининг ошганлигидир. Ишчиларга асосан корхона ҳисобидан уч маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда. 2003 йил олинган соф фойданинг асосий қисми, яъни 10 миллион сўми ишчиларга дивиденд қилиб берилди. Бундан ташқари, тўймаърака ўтказаётганларга икки ойлик иш ҳақи ҳисобида моддий ёрдам уюштирилмоқда.

Ҳа, бундай юксак моддий манфаатдорлик ишчиларни самарали меҳнат қилишга ундайди. Корхонада ютуқларни қўлга киритишга ўнлаб ишчилар пешқадамлар сафида туриб ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти. Булар жумласига иш юритувчи Бозор Дилиев, механизаторлар Худойқул Болтаев, Жўра Умаров, Ғулом Раҳмонов, ҳайдовчилар Акмал Муҳаммадиев, Боймўмин Жумаев, иш усталари Алишер Валиев, Холман Алимовларни киритиш мумкин.

**Х.ТЎРАЕВ**

*Ижтимоий ҳимоя*

**Бахтга меҳнат туфайли эришилади. Меҳнат қилган хор бўлмайди. У инсонни улуғлайди. Баъзан ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб, азиз бош эгилганида ҳам меҳнат суяйди. Юксакликка ундайди. Фаровонликка, тўкликка замин яратади.**

# БАХТГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАЙДИ

Саратон тиғида ёхуд қиш чилласида ишлаётган пайвандчига тасанно. Унинг иши оғир. Бироқ нолимайди. Меҳнатидан ҳузур топади. Билади, бекорга заҳмат чекаётгани йўқ. Миллат, юрт равнақига хизмат қилаётир. Рўзғори обод бўлаётир. «Муборакгазнефтгазмонтаж» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишлаб қадр топаётир.

Бундай ишчилар корхонада бир эмас, 1,5 минг нафар. Ўз навбатида маъмурият ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси улардан меҳр ва мурувватини дариғ тутмаяпти. Ишчилар манфаатини кўзлаб имзоланган жамоа шартномаси бандлари изчиллик билан бажарилмоқда. Ижтимоий ҳимоя бу даргоҳда кун тартибида турибди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 170 минг сўмни ташкил этмоқда. Йил якунларида дурустгина дивидент ҳам берилмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларига қўшимча овқат пули тўланяпти. Фарзандлари мактабларда ўқийдиган ота-оналарга болаларининг ўқув қуроллари учун йилда бир марта энг кам ойлик маошининг икки баробари миқдорида ёрдам кўрсатиляпти. Юбилей саналари ва пенсияга кузатиш чоғида ишчи ёки хизматчининг меҳнат стажига қараб, энг кам иш ҳақининг ўндан йигирма баробари миқдорига қадар пул берилмоқда. Таътил давомида соғлиқларини тиклашлари учун бир ойлик маошига тенг моддий ёрдам кўрсатиляпти. Агар ходим хаста бўлиб қолса, шифохонада дарддан фориғ бўлишига имкон қадар ёрдам берилади. Туғруқ таътилига чиқаётганлар, оила қураётган ёшлар қадрдон жамоаси ва раҳбарлари меҳрини ҳис этишмоқда.

Бинобарин жамиятда меҳнат муҳофазаси, ишчи-хизматчиларга қулай маиший шароит яратиш мақсадида ўтган йили 9 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Сут маҳсулотлари мунтазам бериляпти. Пайвандчилар коржома, этик, пахтали камзул, қўлқоп ва бошқа иш кийимлари билан таъминланяпти. 15 нафар ишчи ҳар томонлама қулай ва шинам ётоқхоналарда истиқомат қиляпти.

Меҳнат қилган дам ҳам олиши лозим. Бу унинг юксак меҳнат унумдорлигини яратишига асос бўлади. Корхона раҳбарияти буни чуқур ҳис этади. Шунинг учун ҳам ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши ҳамиша уларнинг диққат-марказида. Айниқса, ўтган йил корхона аҳли учун эсда қоларли бўлди. Улар учун шанба-якшанба кунлари навбати билан қадимий Бухоро, Самарқанд, Хива сингари шаҳарларга саёҳат уюштирилди. Баҳовуддин Нақшбанд, ал-Бухорий, ат-Термизий, Ҳазрат Башир ва Ҳазрат Довуд каби муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Бу уларнинг ўзлигимизга, шонли тарихимизга бўлган ихлос ва қизиқишларини кучайтирди. Корхона раҳбарияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси эса саёҳат учун мўмайгина маблағ ажратди.

Жамиятда ишчи-хизматчилар ўртасида спортга бўлган қизиқишни ошириш йўлида ҳам қатор амалий-ташкилий ишлар йўлга қўйилмоқда. Махсус спорт майдончалари ишчилар билан доимо гавжум. Спорт ишларини ривожлантириш ва жиҳозлар сотиб олиш учун раҳбарият 3 миллион сўм сарф қилди. Байрам кунлари дастурхон ёзилиб, меҳнат фахрийлари ва бошқалар таклиф этилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар меҳр-мурувватдан баҳраманд бўлишаётир. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўтган йили меҳнат аҳлининг 167 нафар ўғил-қизи дам олиш мавсумида «Ёш алангачи», «Чотқол» болалар оромгоҳларида бепул мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

**Ш. ИСКАНДАРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# «КОНМИТ»: БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

Ғазалкентдаги «Конмит» акциядорлик жамияти учун янги йил муваффақиятли бошланди. Унда тайёрланаётган сифатли печенье ва вафлиларга Қозоғистондан 1 миллион 150 минг долларлик буюртма тушди. Айни кунларда Хитой, Қирғизистон каби мамлакатлар истеъмолчилари ҳам корхонага буюртмалар беришга киришди.

Ғазалкентда тўнғич қўшма корхона сифатида иш бошлаган бу жамоа технологиясининг эскилиги туфайли ўтган йили иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутганди.

Мулк шакли ўзгариб, корхона очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилгач, акцияларининг катта қисмини америкалик сармоядор сотиб олди. Натижада технология янгиланиб, корхона қисқа вақт ичида оёққа турди. Бугун қандолат маҳсулотларининг тури кўпайиб, сифати тобора яхшиланмоқда. Сўнгги икки ой ичида истеъмолчиларга 25 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Корхонанинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ўз савдо дўконлари ишлаб турибди.

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

«Мирзаобод машина-трактор парки» акционерлик жамияти жамоаси 30 та сеялкадан олтитасини тўлиқ таъмирлаб қўйди.

- Баҳорги экиш мавсумигача сеялкалардан ташқари 24 та «МТЗ-80» ва «ТТЗ-80-10» тракторини таъмирлашимиз зарур,- дейди акционерлик жамияти раиси М.Туксенбаев. - Иш икки сменада ташкил этилган. Операторлар, токарлар ва слесарлар барча имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқда. Улар иш жойида иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Таъмир вақтида сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир агрегатни маҳсус ташкил этилган комиссия қабул қилиб олмоқда.

«Мирзаобод машина-трактор парки»га тегишли 16 та «Магнум» трактори ер ҳайдамоқда. Фермер хўжаликларига қарашли 6550 гектар ер шудгорлаб бўлинди. Бу техника далада икки сменада ишлатилмоқда.

# СПОРТ МАЖМУИ

Ғиждувон туманидаги Фиришкент қишлоғида замонавий болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. У Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ғиждувонлик ҳомийлар ёрдамида бунёд этилди.

Мажмуа бадиий гимнастика, стол тенниси, енгил атлетика заллари, шахмат-шашка, ювиниш-ечиниш, мураббийлар, тиббий хизмат хоналари, 850 томошабинга мўлжалланган стадион, иккита теннис кортига эга.

Бу ерда ҳар куни мингга яқин бола спортнинг ўн тури билан мунтазам шуғулланиши мумкин.

Жамғарманинг вилоят бўлими ижрочи директори Исмоил Мирзаевнинг айтишича, 2005 йилда яна ўнта қишлоқ мактабига спорт зали қуриб бериш режалаштирилган.

**(ЎзА)**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

**Сир эмаски, қиш мавсумида газ таъминоти ходимларининг юмушлари бирмунча ортади. Шу туфайли айни вақтда туманимизда газ таъминотини яхшилаш ва жадал ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар асосида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

# ГАЗ ҚУВВАТИ ОШИРИЛДИ

Хусусан, якунланган 2004 йилда 44 километр масофада юқори босимли янги газ тармоғи тортилди. Бунинг самараси ўлароқ «Жамбул», О.Йўлдошев, С.Саймоқов номли, «Қашқадарё» каби ширкат хўжаликлари ҳудудидаги 790 та хонадон соҳиблари «зангори олов» тафтидан баҳраманд бўлишди.

Шунингдек, филиалимиз жамоаси ҳукуматимиз қарори асосида газ тармоқлари корхоналари ва муассасаларининг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида муайян ишларни бажардилар. Биринчи навбатда, қиш мавсумида газ таъминотида узилиш бўлмаслиги учун мавжуд камчиликлар бартараф қилинди. 419,1 километр узунликдаги газ қувурларининг ҳолати доимий назоратга олинди. 192 та газ таъминлаш қутисида профилактик созлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, газ тармоқларини халқалаш, янгиларини қуриш ва мавжудларини узайтириш, эскириб қолганларини янгилаш, таъмирлаш, газ босимини кучайтириш ҳамда бошқа чора-тадбирлар орқали газ таъминоти яхшиланиб, унинг қуввати оширилди. Бундай ишлар, албатта, туманимизда газ таъминотини яхшилаш, хонадонларда «зангори олов»дан фойдаланишни кучайтириш ва яхшилашга қаратилган.

Айни пайтда мавжуд табиий газ билан газлаштирилган 8985 та аҳоли хонадонларига ҳамда 131 та улгуржи табиий газ истеъмолчиларига ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилмоқда. Чунончи, филиал томонидан биргина ўтган йили аҳоли хонадонларига 21 миллион 702 метр куб, улгуржи истеъмолчилар учун эса 874,4 минг метр куб табиий газ етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични бир неча баробарга ошириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун эса энг самарали тадбирлар ишлаб чиқиляпти.

Шу билан бир қаторда бу бебеминнат ёқилғини тежаб-тергаб сарфлаш, ортиқча исроф бўлишига, талон-торож қилинишига йўл қўймаслик мақсадида ҳам самарали ишлар қилинмоқда. Бунга кўра газлаштирилган хонадонлар, корхона, ташкилотларга газ ўлчагичлар ўрнатилмоқда. 2004 йилда 1500 дан зиёд ана шундай газ ўлчагич мосламалари ўрнатилди. Амалдаги йилда бу борадаги ишлар кўламини ҳам бир неча баробарга ошириш кўзда тутилган.

**Баҳодир ВАҲОБОВ,**
**«Бўкатумангаз» филиали табиий газ таъминоти бўлими мутахассиси**

*Масала кўндаланг қўйилади*

**Пахтакор туман халқ таълими бўлимига қарашли қатор мактабларда қишга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда олиб борилганлиги қиш қиличини қайраб келган дастлабки кунлардаёқ билинди-қолди. 2 декабр куни «Мингчинор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Пангат қишлоғида жойлашган Охунбобоев номли 14-умумтаълим мактабида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.**

# ПАЛЬТОГА ЎРАЛИБ... ДАРС ТИНГЛАШМОҚДА

Мактабда 468 ўқувчи бўлиб, уларга 32 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Мактаб директори Болибой Дўсқулов ҳамроҳлигида синф хоналарини кўздан кечирамиз. Атиги 7 та синф хонасидан иборат мактабда болалар икки сменада ўқишга мажбур. Чет тили, математика фани ўқитувчилари етишмаслиги туфайли ўқитувчига дарс юкламаси нормадаги 20 ўрнига 36-37 соатга тўғри келаяпти. Масалан рус тили ўқитувчиси Д.Дўстқулова 9 «а» ва 9 «б» синфларининг 32 нафар ўқувчисига битта хонада машғулот ўтаяпти. Энг ёмони, ўқувчилар синф хоналарининг ўта совуқлигидан пальтоларига ўралиб дарс тинглашмоқда. Мавжуд синфхоналарда пахта йиғим-терими мавсумида ҳашарчилар жойлаштирилгани боис дуч келган жойга «эсдалик тамға»ларини босиб кетишган, парталар, доскалар, хона деворлари ва бошқа жиҳозлар бутунлай таъмирталаб ҳолга келиб қолган.

Кўмир билан ишлайдиган тўртта қозонхона ишламаяпти. Қозонхона томидан қаровсизлик туфайли тинмай чакка оқиб, атрофда каттагина кўл ҳосил бўлибди. Ҳозиргача таъмирталаб бўлиб турган қозонхоналарнинг ҳали-бери ишлаши даргумон. Хўжалик ишлари мудири С.Нормуродовнинг эса парвойи фалак. Ахир, мактаб раҳбари талабчанлик қилмагач, унга нима, кун ўтса бўлди-да.

Туман халқ таълими бўлими томонидан ажратилган 15 тонна кўмир махсус ўтинхона йўқлигидан хўжалик мудири уйида ётибди. Айтишларича, кўмир саралангач, мактабга келтириларкмиш. Боз устига, қиш мавсумида мактабнинг кўмирга эҳтиёжи 30 тоннани ташкил қилади. Шунга қарамай, зарур миқдордаги ёқилғини ўз вақтида ғамлаб қўйилмагани ажабланарли эмасми?!

Ўқитувчилар меҳнатига яраша рағбатлантирилмаяпти. Мактабда 13 нафар тоифали ўқитувчи бўлса-да, улардан атиги икки нафарига 20 фоизлик устама ҳақ тўланаяпти. Бунинг устига бу ерда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари ҳам бузилаяпти. Буни мактабда «Буйруқлар китоби»нинг 2003 йил ноябридан бошлаб юритилмаётганидан ҳам билса бўлади. Ходимларни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқларга асос қилиб уларнинг аризалари кўрсатилса-да, аризаларнинг ўзи йўқ. Масалан, Ў.Синдорова, А.Расулов, Ш.Бўриев, Б.Бегимқуловларнинг аризалари бўлмаса ҳам вазифасидан озод қилиб юборилаверган. Ўқитувчи Н.Шакаровга ишдан бўшатилиши ҳақида 2003 йил 6 сентябрда буйруқ чиқарилиб, унда «15 августдан озод этилсин» дея таъкидланади. Ҳамшира (!) З.Ширинова 2003 йил 2 январдан котибаликка, 1 февралдан етакчиликка ўтказилган бўлишига қарамасдан ҳар икки буйруқ билан таништирилмаган.

Мактабда қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар етишмайди, ўқувчилар компьютер ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас. Пангат қишлоғида 40 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса-да, уларнинг бошини қовуштириб, мактабга иқтисодий кўмак беришга афтидан туман мутасаддилари вақт тополмаётган кўринади. Акс ҳолда, йиғим-терим мавсумида туман хирмонига 100 тоннадан ортиқ пахта териб берган ўқувчилар бу қадар эътиборсиз қолмаган бўлармиди?

Қишга ҳозирлик аҳволи Усмон Носир номли 8-ўрта мактабда ҳам яхши эмас. 530 ўринли илм масканида бугунга келиб 680 бола таълим олмоқда. Мактаб илмий бўлим мудири Баҳодир Жўраевнинг таъкидлашича, газ босими пастлиги туфайли синф хоналари меъёрида иситилмаяпти. Залларда иситиш батареялари умуман йўқ. Учта синф ўқувчилари дарс ўтадиган синф хоналарига кирсангиз, совуқдан қалтирайсиз.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси Зоир Қаршиевнинг айтишича, ёпиқ спорт залининг иситилмаслиги туфайли ўқувчилар билан машғулотлар ўтказиш қийин кечаётир. Назарий машғулотлар ўтиш, кийиниш хоналари томидан мунтазам чакка ўтади. Спорт залини тунда ёритиш имкони йўқ. Мактаб ошхонасидаги аҳвол ҳам ачинарли. Томдан тинмай оқаётган чакка тўғридан-тўғри электр печлар устига тушмоқдаки, бу техника хавфсизлиги қоидаларига бутунлай хилофдир. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳайрон, ташвишли ҳол қачонгача давом этаркин?

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Саломатлик - туман бойлик*

# БАРКАМОЛ АВЛОД ВОЯГА ЕТАДИ

Боғот тумани марказий шифохонаси ва унга қарашли бўлган даволаш-профилактика муассасалари ҳудудда истиқомат қилувчи 12 мингдан зиёд аҳоли саломатлигини муҳофазалаш йўлида бутун билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар. Кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдами туфайли тиббиёт муассасаларининг моддий базаси мустаҳкамланди, кадрларнинг касб маҳорати ва малакаси янада ошди.

– Мамлакатимизда қабул қилинган бирламчи тиббий санитария ёрдамини ислоҳ қилиш дастури аҳолига хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган замонавий жиҳозлар, дори-дармонлар ва бошқа материаллар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ташкил этишга ёрдам беради, - дейди биз билан суҳбатда туман марказий шифохонаси бош врачи Ражаббой Олимов. – 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши қишлоқ врачлик масканлари фаолиятини яхшилаш, хизматлар сифатини оширишга даъват этади.

Бугунги кунда туман аҳолисига 225 ўринли марказий шифохона, катталар ва болалар, стоматология поликлиникалари, туғруқ мажмуаси, болалар касалхонаси, 14 та қишлоқ врачлик маскани, 2 та қишлоқ врачлик шифохонаси, 6 та фельдшер-акушерлик пункти хизмат кўрсатмоқда. Уларда ишлаётган 282 нафар врач ва 1452 нафар ўрта маълумотли ходимлар даволаш-профилактика тадбирларини кенг кўламда олиб боришаяпти.

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури»га асосан марказий шифохонада 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлими ташкил этилди. Ўтган йиллар мобайнида қишлоқ врачлик пунктлари очилди ва ҳар бири «Саломатлик» лойиҳаси асосида 17-18 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Келажак авлодни ҳар томонлама соғлом ва комил инсон қилиб тарбиялаш аҳоли тиббий саводхонлигини оширишга боғлиқ. Оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом оилани шакллантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида барча қишлоқ ва маҳаллаларда шифокорлар билан учрашувлар уюштирилди.

Туғиш ёшидаги аёлларнинг 98 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилиб, касал деб топилганлари шифохона ва поликлиникаларда даволанди.

– Қишлоқларда тиббий хизматни ташкил этиш умумий амалиёт врачларидан чуқур билим ва малакани талаб қилади, - дейди бош врач ўринбосари Р.Маткаримов. – Шунинг учун ҳам тиббиёт ходимларининг асосий қисми қайта тайёрлаш курсларида ўқиб, билим ва тажрибаларини мустаҳкамладилар.

Соғлом оилада баркамол авлод вояга етади. Янги турмуш қурган 700 дан ортиқ йигит-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб тегишли маслаҳатлар берилди. Туғиш кўрсаткичи юқори бўлган Найман, Наврўз, Огаҳий номли фуқаролар йиғинлари ва туман марказида оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича суҳбат ва мулоқотлар уюштирилди, врачлар тавсиясига мувофиқ серфарзанд оналарга контрацептик воситалар тарқатилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг муваффақияти ундаги барча бўғинлар ва йўналишларнинг кўп қиррали, самарали фаолиятига боғлиқ. Болалар шифохонасидан Олимбой Раҳимов, туғруқ мажмуасидан Ғаффорберди Норметов, юқумли касалликлар шифохонасидан Тўлибой Раҳимов каби врачлар, ўнлаб ҳамширалар нафақат сифатли муолажалари, балки ширин сўзлари билан беморлар дардига даво топмоқдалар.

Фуқаролар соғлигининг мустаҳкамланаётганлиги туманнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Давлатга дон ва пахта сотиш шартнома режалари ошириб бажарилди. Саноат ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайди. Қишлоқ ва маҳаллаларда, ҳар бир оилада соғлом маънавий муҳит қарор топиб, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Қашқадарё вилоятида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларини ҳаётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқлар қўлга киритиляпти. Хусусан, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 62 та коллеж ва 4 та академик лицейда илғор таълим технологиялари ўқув жараёнига муваффақият билан жорий этиляпти.

Деҳқонобод туман ХТБга қарашли Ҳамид Олимжон номли ўрта мактабда кўплаб жонкуяр педагоглар ёш авлодга таълим-тарбия беришади. Бошланғич синф ўқитувчиси Соҳиба Беккамова (чапдаги суратда) ана шундай ўқитувчилардан биридир.

**Ш.СУЛТОНОВ**
**олган суратлар**



*Одобнома*

# АВВАЛ ТИНГЛАШНИ ЎРГАН

***Тинглаш ҳам кишидан сабр-қаноатни, чидам-бардошни ва ўзига хос одоб-ахлоқни талаб этадиган хислатдир: «Бир куни қадимги юнон файласуфи Арастунинг олдига жуда ҳам сергап ёш йигит келиб, унга нотиқлик санъатини ўргатишни илтимос қилибди. У дабдабали сўзларни изҳор этгандан сўнг Арастудан ўқиш учун қанча ҳақ тўлашни сўрабди.***

- Сендан бошқаларга қараганда икки баробар кўпроқ ҳақ олинади, - қовоғини солиб жавоб берибди файласуф.

- Нима учун? - ҳайрон бўлибди йигит.

- Чунки сен билан икки баробар ишлашга тўғри келади: сенга сўзлашни ўргатишдан аввал жим туришни ўргатишим лозим...».

Шунинг учун ҳам улуғ Кайковус бобомиз ўзининг «Қобуснома» асарида шундай насиҳат қилади: «Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмакдин қочмағилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур. Аввало буни шундоқ далиллаш мумкин: агар бир ўғлон онадин туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуғ бўлғонда лол (соқов) бўлур. Кўрмасмусанким, барча лоллар кар бўлурлар...».

Ҳа, эшитиш қобилияти туфайлигина инсонда тил, нутқ пайдо бўлади - қулоғидан кирган товуш, сўз, гап ва иборалар оғзидан чиқади. Шунинг учун ҳам донишманд халқимиз «Сув онаси - булоқ, сўз онаси - қулоқ» деб бежиз айтмаган ва болалар қулоғига айтадиган гапни онада нишона пайдо бўлган чоғданоқ бошлаш лозимлигини уқтирган. Шунинг учун қадимдан ҳомиладор аёлларга завқли қўшиқлар, рамзли, таъсирчан сўзлардан ташкил топган латифалар, ҳикматлар айтилган, она табиатига, руҳий ҳолатига қараб хатти-ҳаракат қилинган, таъсирчан сўзлар топилган.

Машҳур драматург Шароф Бошбеков ҳам тинглаш қобилияти туфайли эл оғзига тушганлигини, халқнинг ўзидан ўрганишлигини эътироф этади: «...кимдир автобусни «асаббуз» деган экан. Лекин жуда топиб айтибди. Автобусни мен «шпаргалка» дейман. Чунки ҳар куни автобусда ишга келар эканман, янги асар учун бир дунё «масаллиқ» оламан...».

Шунинг учун ҳам донишманд халқимиз «Сўзлаганга боқма, сўзлатганга боқ» деб бежиз айтмаган. Лекин тинглаш ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи бировлар ҳар қандай гапни, ҳар қандай куй-қўшиқни индамай эшитиб ўтираверади, оҳанглар, сўз маънолари юрагига етиб бормайди. «Сиз куйиб-пишиб гапириб турганингизда сигир маъраб қолса, сизга эмас, сигирга қарайдиган одамга гап таъсир қилмайди...» (Абдулла Қаҳҳор). Бошқа биров эса най ёки дўмбиранинг не дея бўзлаётганини, суҳбатдошининг унга нима демоқчи бўлаётганини тезда тушунади. Чунки бундай кишилар суҳбатдошларининг фикрига эътибор билан қараб, уларнинг гапларини жисму жонлари билан тинглайдилар.

Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қадимдан суҳбатдошлари, айниқса, ўзидан катта ёшдаги кишилар сўзини охиригача одоб сақлаб тинглашни ўзларига одат қилганлар. Тинглаганда ҳам у ёқ-бу ёққа аланглаб ёки ҳардамхаёллик билан эмас, алоҳида эътибор билан тинглаганлар. Айниқса, катталар томонидан берилган дашном, танбеҳни сукут сақлаб эшитганлар.

Бироқ «Қарашга нораво нарсага кўр бўл, тинглашга нолойиқ гап-сўзга кар бўл» (Носир Хисрав Деҳлавий) қабилидаги гаплар ҳам борки, қандай гаплар тинглашга нолойиқ эканини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмаса керак.

Тинглаб бўлмайдиган гапларнинг аввалида Ҳаққа, Яратганга ширк келтириб айтиладиган куфрона ва ғийбат гаплар туради. Мабодо шундай гаплар қулоққа чалиниб қолгудай бўлса, ғийбатчининг шериги бўлиб қолишдек гуноҳдан қутулиб қолиш мумкин. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисда «Кимнинг ҳузурида мўмин киши хорланса-ю, қодир бўла туриб ҳимоя қилмаса, Аллоҳ таоло уни қиёматда халойиқ ҳузурида хўрлайди», аксинча, «Кимки мўмин кишини мунофиқ айбловидан ҳимоя қилса, қиёмат куни Аллоҳ унинг гўштини дўзах оташиндан ҳимоя қиладиган фаришта юборади» дейилган.

Хуллас, тинглаш ҳам сўзлашдан кам баҳоланмайдиган меҳнат бўлиб, унинг қонун-қоидаларига амал қиламиз, яхши суҳбатдош бўлишнинг биринчи ва энг муҳим шартига амал қилган бўламиз.

**Сиддиқ МЎМИНОВ,**
**профессор**

## БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

***Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Ибн Сино» маданият ва спорт маркази ўн беш йиллик фаолияти давомида турли мавзуларда қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш борасида бой тажриба тўплади. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқ таълими аълочиси Азим Азизов раҳбарлик қилмоқда.***

Марказ қошида «Умид» фольклор ва рақс ансамбли, «Баёт» доирачилар дастаси, «Абдулла», «Шерзод», «Даврон» гуруҳлари, яқинда ташкил топган «Қувонч» ёшлар ҳажвий театр студияси ҳамда «Сапчалар» реп-рақс гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 500 нафардан ортиқ санъатга ҳавасмандлар фаол иштирок этмоқда.

Айниқса, «Умид» дастасининг довруғи анча машҳур. Ҳаваскорлар жамоаси 2003 - 2004-йилларда ўзбек халқ ижодиётини Туркия, Германия, Италия, Ҳиндистон, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Польша давлатларида ва Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалларда кенг намойиш этди.

Шу кунларда мазкур даста томонидан тайёрланган «Янги йил хўрозлари» номли театрлаштирилган ҳажвий концерт дастури шаҳримизнинг марказий томошагоҳлари, Меҳрибонлик уйлари ва ҳарбий қисмларда намойиш этилмоқда. Дастур сценарийсининг муаллифи ҳам, саҳналаштирувчиси ҳам марказ бош директори А. Азизовдир. Ушбу қизиқарли адабий, мусиқали композицияда ёш раққосалар Юлдуз Раҳимова, Феруза Ғойибназарова, Жамила Ғайнутдинова, «Сапчалар» иштирокчилари Аъзам Муҳамедов, Мирқобил Миразизов, ёш эстрада хонандалари Дониёр Собиров, Даврон Ибрагимов, Шерзод Ёқубов, Шуҳрат Абдусатторов ва моҳир доирачи Мирвоҳид Содиқовлар ижросидаги чиқишлар томошабинларга манзур бўлмоқда.

**Абдулла ҚУРБОНОВ,**
**марказ бош директорининг биринчи ўринбосари**

## КИМОНО КИЙГАН БОЛАЛАР

Боёвут ва яқин атрофдаги бошқа қишлоқлардан юздан ортиқ бола ёш мураббий Марсель Ажиарипов раҳбарлик қилаётган таэквондо секциясига қатнамоқда. Улар бу ерда жисмонан бақувватлашиб, бугунги кунда Сирдарё вилоятининг турли терма жамоалари таркибига киритилмоқда ва яхши натижаларга эришмоқда.

Масалан, 15-мактабнинг тўртинчи синф ўқувчиси Сардорбек Мавлонов ўз ёш гуруҳида туман ва вилоят мусобақалари ғолиби ҳисобланади. Ўтган йили у Тошкентда ўқувчилар ўртасида мамлакат чемпионатида қатнашди ва бронза медалини қўлга киритди. Ўз вақтида болани секцияга отаси Саттор Мавлонов олиб келган эди. Биринчи куниёқ Сардорбек кимонони онаси Гулчеҳра олиб берганини айтди.

Ёш чемпионнинг ота-онаси Сардорбекнинг муваффақиятларидан жуда хурсанд. Уйда Сардорбек дарс тайёрлаши ҳамда спорт машғулотлари учун ҳамма шароит яратилган.

*Ғазал шарҳи*

# «БИР ЖИЛВАСИҒА ИККИ ЖАҲОНДИН ЎТА ҚОЛДИМ»

***То телбалиғим шуҳрати оламни тутубдур,***
***Бир жилвасиға икки жаҳондин ўта қолдим!***

Дунёвий ишқда ақл устун қўйилса, илоҳий ишқда ақл рад этилади, чунки илоҳий ишқ йўлида ақл ожиз, парда, тўсиқ, уни фақат кўнгил орқали тарк этиш мумкин. Шунинг учун ҳам ақл ва кўнгил зиддияти сўфиёна шеъриятнинг етакчи мавзуларидан ҳисобланади. Илоҳий ишқ йўлида ошиқ қанчалик ақлу ҳушини йўқотиб, илоҳий маҳбубага боғланса, ор-номусини бой бериб, Мажнунга айланса, маъшуқа хаёли билан банд бўлиб, дунёнинг бошқа ишларига парво қилмаса, ишқ телбасига айланиб, одамларнинг таъна-маломатидан уялмаса, ишқ мақомида шунчалик илгарилаган, шунчалик юксак мақомга кўтарилган бўлади. «То телбалиғим шуҳрати оламни тутубдур» мисрасидан мақсад - шу.

Жилва - ноз-истиғно, ишва, карашма маъшуқанинг ошиқни ўзига жалб қилувчи, унинг кўнглига ўт солувчи гўзал ва нозик ҳаракатлари бўлиб, тасаввуфда у илоҳий талқин қилинади - бу нур ошиқни телба қилади.

Айтиб ўтганимиздек, илоҳий ишқ ошиқлари бу дунёни ҳам, у дунёни ҳам назарга илмайдилар, улар учун мақсад - Оллоҳ таолонинг ўзи! Машрабнинг Оллоҳ жамоли учун икки дунёнинг баҳридан ўтдим дейишига сабаб - шу.

Албатта, висол қиёматда содир бўлади, лекин руҳий - маънавий жиҳатдан олий мақомга юксалган ориф зотлар истисно тариқасида шу дунёда ҳам олий жамолни мушоҳада-мукошафа этиб, балки нафсу ҳавони маҳв этиб, қалбини поклаб, камолот касб қилиб, ваҳдат мақомига кўтарилиб, ҳамиша илоҳий ҳуснни кўриш иштиёғида ёнадиган содиқ ошиқнинг эътирофлари ҳақидадир. Зеро, Оллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳар бир кишининг руҳий-ахлоқий камолотига қараб, у ёки бу даражада мушоҳада-мукошафа этилади. Муҳаббат қанчалик кучли бўлса, дийдор иштиёқи ҳам шунчалик чидаб бўлмас даражага етади. Оллоҳ маърифати қанчалик ғолиб бўлса, висол лаззати ҳам шунчалик тенгсиз бўлади. Бинобарин, Машрабнинг илоҳий маҳбубанинг жилвасиға муяссар бўлганлиги ҳақидаги фикрини ҳам шу маънода тушуниш ва талқин қилиш керак.

***Айб этмангиз бу Машраби бехудни ёронлар,***
***Найлайки, бу ғурбат кўчасидан ўта қолдим.***

Нега илоҳий муҳаббатга нисбатан ғурбат дейилмоқда?

Ғурбатнинг икки маъноси бор: биринчиси - ғам-ғусса, кулфат бўлса, иккинчиси - мусофирлик, ғариблик, Ватандан айри тушиш. Байтда у ҳар иккала маънода ҳам келган: азалда Оллоҳ билан бир бутун бўлиб, туғилиши билан инсоннинг ўз Яратувчисидан айрилиши, аслий ватани бўлмиш ҳақиқий оламдан мажозий оламга тушиши, бу ерда минг азобу машаққат билан ҳаёт кечириб, ўзининг чин дунёсига интилиши ғариблик, мусофирлик бўлса, бу дунёда илоҳий маҳбуба васлига етишнинг имконсизлиги чинакам кулфатдир! Машрабнинг нима қилайки, ўзимга боғлиқ бўлмаган ҳолда, бу ғурбат кўчасидан ўтишимга тўғри келди дейиши шундан.

Маълумки, Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ўзигача ўтган шоирларини уч тоифага ажратади: ҳақиқий ишқни куйлаган шоирлар, дунёвий муҳаббатни тараннум этган шоирлар, ҳақиқий ва мажозий ишқни назмга солган шоирлар. Машраб ижодида ҳақиқий ва мажозий ишқ ажойиб тарзда уйғунлашиб кетган шеърлар ҳам учраса-да, у кўпроқ илоҳий муҳаббатни улуғлаган шоирлар жумласига киради. Шоир шеърларидан тасаввуфий маъно-мазмунни кенг ва чуқур ўрганиш нафақат Машраб ижодини бутун маъно қирралари билан теран тушуниш, балки умуман тасаввуф ва тасаввуфий асарлар мағзини чақишга ҳам ёрдам беради.

*(Боши ўтган сонда)*

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## ҚИЙИН СЎЗЛАР ИЗОҲИ

**Липид** – таркибида мой ва мойсимон моддалари бўлган бирикма.

**Метаболзим** – тирик таналарнинг тўқима ҳужайраларида муттасил кечадиган модда алмашинуви жараёни.

**Органелла** – бир ҳужайрали содда таналарнинг ҳаётий вазифаларни бажариш учун хизмат қиладиган қисмлари.

**Протенд** – оқсилларнинг оқсилсиз модда билан бирикувидан иборат мураккаб оқсиллар.

**Фотосинтез** – ёруғлик энергияси ёрдамида яшил ўсимликларда ноорганик моддалардан мураккаб органик моддалар ҳосил бўлиш жараёни.

**Субъединица** – қон таркибидаги гимоглобин моддасини ташкил этувчи полипепитлар (аминокислоталар занжири).

**Аминокислоталар** – ўсимлик ва ҳайвон оқсилларини ташкил этувчи органик кислоталар.

**Макромолекула** – бир-бири билан ўзаро боғлиқ минглаб атомдан таркиб топган заррачалар.



## УЧ ЖИЛДЛИК НАШР

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бадиий адабиётни янгича назарий жиҳатдан ўрганишга киришилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти олимларининг ана шу йўналишда амалга ошираётган тадқиқотлари ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Илмий муассасанинг адабиёт назарияси бўлими мустақиллик даври адабиётининг методологик асосларини ишлаб чиқишга киришди. Янги давр адабиёти ва адабиётшунослигининг бу муҳим йўналишига оид қатор мавзулар тадқиқ этилмоқда.

«Адабиёт назарияси» деб номланган уч жилдлик нашр устида ҳам изланишлар йўлга қўйилди. Бу академик тадқиқотда адабиётшуносликнинг бугунги тараққиётида қўлга киритилган ютуқлар атрофлича таҳлил этилади.

«Адабиёт назарияси»нинг мазкур янги нашри «Адабиётшунослик методологияси», «Бадиийлик ва миллийлик», «Бадиий асар таркиби ва уларнинг таҳлили», «Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти тизимида» каби йўналишлар асосида чоп этилади.

## МУЗЕЙНИНГ МУКАММАЛ КАТАЛОГИ

Ўзбекистон давлат амалий санъат музейи экспонатларга жуда бой. Унинг экспозициясидан ўрин олган осори-атиқалар билан томошабинларни яқиндан ошно қилиш мақсадида улар ҳақида маълумотлар берувчи босма нашрлар яратилмоқда.

Музей ходимлари саъй-ҳаракати билан «Музей экспозицияси экспонатлари» каталогини тузиш ишлари ниҳоясига етди. Унда 20 дан ортиқ коллекцияга кирувчи етти мингдан ортиқ экспонат тўғрисидаги маълумотлар жамланди. Сополдан ясалган халқ ҳунармандчилиги асарлари, «Биллур ва ойналар», «Ёғоч ўймакорлиги», «Мусиқа чолғу асбоблари» каби коллекциялар тўғрисидаги каталоглар айниқса эътиборни ўзига тортади.

## ТАНИҚЛИ ОЛИМАГА МЕҲР-МУҲАББАТ РАМЗИ

Республикамиз тилшунос олимлари таниқли фан намоёндаси Гулшод Муҳаммаджонова таваллудининг 70 йиллигини нишонладилар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида кўп йиллик илмий фаолиятини амалга оширган бу изланувчан тилшунос олима ўзидан катта илмий мерос қолдирди.

Унинг «Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси тараққиётининг айрим масалалари» деган тадқиқоти туркий халқларнинг бугунги кун лексикасини қиёсий ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Олиманинг «Ғафур Ғулом шеъриятининг баъзи бир лексик хусусиятлари», «Ўзбек тили лексикасидаги ўзгаришларга доир» каби монографиялари чоп этилган.

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Адабиётшунос олима Кавсар Турдиева ўз илмий-педагогик салоҳиятини Тошкент педиатрия тиббиёт институтида тил ва адабиёт кафедрасининг мудири сифатида намоён этиб келмоқда. Айни вақтда олий ўқув юртида чоп этилаётган «Педиатор» кўп нусхали газетага муҳаррирлик қилиб келмоқда.

Ушбу матбуот нашрида адабиёт ва санъат саҳифаси орқали ёш қаламкашлар ижоди кенг ёритиб борилмоқда. Шеърият ихлосмандларига устозлик қилиши билан бирга ўзи ҳам ажойиб шеърий асарлар яратиб, истеъдодли шоира янглиғ танилиб қолди.

Олима ва шоиранинг, болаларга бағишлаб ёзган шеърлари ўзига хос жозибага эга. Бундай мазмунли ижод намуналари жамланиб, «Обод маҳаллам кўчалари», «Меҳр» деб номланган тўпламлар орқали ўқувчи ёшларга тақдим этилди.

Шоиранинг навбатдаги тўплами эса «Тозалик-гўзаллик» деб номланди. Кичик ёшдаги болаларга бағишланиб чоп этилган бу янги нашр Кавсар Турдиеванинг энг яхши китобларидан деб топилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро жамғармаси ҳомийлигида республика болалар жамғармаси саъй-ҳаракати билан ўтказилган болаларга бағишланган бадиий асарлар танловида шоиранинг «Тозалик-гўзаллик» тўплами совринли мукофот билан тақдирланди.

**А.АКБАРОВ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Қува тумани кенгаши раиси Икромжон Комиловга турмуш ўртоғи

**МАҚСУДАХОН**
**опа**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), Мирзоқод Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* **133; 134**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 016 23456